



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
- II. Техник қисм
- III. Танлов ва таклиф
- IV. Тақдим қилинадиган хужжатлар

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЕ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмента: **Қарши туман Мирмирон МФЙ Зиёли кўчани** (1.9 км) жорий таъмирлаш бўйича ЛСХ ишлаб чиқиш, топосёмка, геология, муаллифлик назоратини олиб бориш ва экспертиза хулосаси олиш учун

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **21 090 000 (Йигирма бир миллион туқсон минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Смета лойиха хужжатларини 5 кун мобайнида ишлаб чиқиш зарур.

1.3. Хизмат бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Қашқадарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистан Республикаси, Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар, Хонобод кучаси 23 уй. адрес: Qashqadaryo_MYBX@.uz

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

2.2. Танлов Қарши шаҳри Хонобод кучаси 23 уй Қашқадарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУКда “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

2.3. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг яқунига (сониясига) қадар тижорат таклифлари қабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йигилиши (эълон яқун куни билан 11⁰⁰ да амалга оширилади)).

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлари;

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаги, микдори.

3.3. Агар танлов предмета булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,

- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-

каленьдар кунга кадар кабул килиши ёки узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади